



20 20 yil " 20 " Ноябрь № 1569

Мингтут МФЙ Мингтут қишлоғида яшовчи фуқаро Қосимов Фахриддинга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисида

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 55-моддалари ҳамда «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ги қонуннинг 8-моддаларига «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги қонунининг 6-10-асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қишлоқ хўжалигига оид эҳтиёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг туман ҳокимлиги захира фондидаги ер майдонларидан Мингтут МФЙ Мингтут қишлоғида яшовчи фуқаро Қосимов Фахриддинга деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисидаги 04.09.2020 йил кунги хулосаси тасдиқлансин.

2. Мингтут МФЙ Мингтут қишлоғида яшовчи фуқаро Қосимов Фахриддинга туман ҳокимлиги захира фондига қарашли Соҳибкор ММТП худудидаги № 81қ-контурдаги 0,35(ўттиз беш сотих) га, (терақзор) қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган, ер майдонидан деҳқон хўжалиги ташкил қилиш учун ҳамда иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.

3. Ушбу қарор туман ҳокимлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг Ўзбекистон тумани «давлат хизматлари» марказидан рўйхатдан ўтказиш тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб олиш вазифаси фуқаро Қосимов Фахриддинга юклатилсин.

4. Мазкур қарорга биноан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб бериш туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи А.Ражабовга, ер солиғини ундириш туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Қўчқоровга топширилсин.

5. Ушбу қарор тасдиғи халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилсин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиб бориш туман қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича туман ҳокими ўринбосари Н.Мамадалиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими :



Қ.Джўраев